

## ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УСЛУБИЙ ТАЛАБЛАР

*Ахмедова Гулчехра Манноновна<sup>1</sup>, Мамажоновна Камола Акрамовна<sup>1</sup>,  
Иргашева Меҳрибон<sup>2</sup>*

*<sup>1</sup>А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси катта  
ўқитувчиси, <sup>2</sup>Технологик таълим йўналиши талабаси  
e-mail: gulchehrag1966@gmail.com*

***Аннотация.** Мақолада ўқувчиларга тикувчилик бўйича чуқурлаштирилган билимлар беришда замонавий ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратишга бўлган эҳтиёж, дарсликларда янги ахборотлар банкнинг яратилиши усуллари ўрганилган.*

***Калит сўзлар:** дарслик, замонавий ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар, ахборот ресурслари, билимлар банки.*

\*\*\*

***Аннотация.** В статье исследуется необходимость создания поколения современных учебников для того, чтобы дать учащимся глубокие знания по шитью, методам создания нового информационного банка в учебниках.*

***Ключевые слова:** учебники, современные учебники, электронные учебники, информационные ресурсы, банк знаний.*

\*\*\*

***Annotation.** The article explores the need to create a generation of modern textbooks in order to provide students with in-depth knowledge of sewing, methods of creating a new information bank in textbooks.*

***Key words:** textbooks, modern textbooks, electronic textbooks, information resources, knowledge bank.*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга оширишда ҳамда ёш авлодни юқори савияда тайёрлаш учун сифатли дарсликларнинг тайёрланиши Давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Сифатли дарслик нафақат ўрганувчиларнинг камчиликларини ҳам бартараф этади.

Замонавий ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратишга чет эл инвестициясини жалб қилиш бўйича ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Осиё тараққиёт банки лойиҳаси махсус фанлар бўйича ўқув адабиётларини яратиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда [15].

Ҳозирги вақтда кийимни тикиш технологиясининг замонавий усуллари мавжуд бўлиб, уларда қўл меҳнати камайтирилиб, иш қуроллари ва хом ашёни тўғри қўллаш орқали буюмнинг замонавийлиги, эстетиклиги ҳамда дизайнини сақлашга ҳаракат қилинади. Шу жараёнларни бажариш тартибини ўқувчиларга етказишда анъанавий ва ноанъанавий дарс бериш усулларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, ўқув материалининг асосий бўғини - дарслик бўлиши билан бир қаторда, соҳага оид турли адабиётлар, ўқувчиларнинг қизиқишлари, интернет янгиликлари ва ҳозирги кунда ривожланиб келаётган электрон адабиётлар ҳам ўқувчининг касбий шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларни ўқитиш давомида ўқитиш воситаларидан энг муҳими бўлган дарсликларнинг давр талабига жавоб бермаслиги, ўқув муассасаларининг дарсликлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, дарсликларнинг замонавий тўғри бўлган электрон дарсликлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Электрон дарсликлар ўқитишнинг бошқа дидактик воситаларидан ташкилий ва функционал жиҳатдан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун электрон дарсликли ишлаб чиқиш мазмуни ва технологиясини аниқлашга ижодий ёндашишни тақозо этувчи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: ўқув дастури ва ўқув-методик нашрларига мос келиши; умуман, янги бўлиши ҳам ёки илгари нашр этилган методик қўлланманинг электрон версияси бўлиши ҳам мумкин; мазмунини очиб бериш ва ўқув - методик мақсадларга эришиш учун етарли ҳажмга эга бўлиши; ўқув - методик мақсадларга эришишга ёрдам берувчи, кўرғазмали элементларга эга (максимал даражада компьютернинг мультимедиали имкониятларидан фойдаланилган) бўлиши; материални монитор экранидан кўриш ва тармоқ бўйлаб жойлаш хусусиятини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган бўлиши; матн ичидаги матн ости иловалари билан бирга керак бўлганида ташқи WEB манбалар ва бошқа ахборот ресурслари ҳам кўрсатилиши; материални ўзлаштириш даражасини талабанинг ўзи мустақил баҳолаши учун ўз-ўзини текшириш имконини берувчи саволлар бўлиши керак.

Ўқувчиларга тикувчилик бўйича чуқурлаштирилган билимлар бериш; замонавий расм бўлган хушбичим, давр талабларига жавоб берадиган кийимлар яратиш; тикиш жараёнида эса тез ишлайдиган универсал машиналарда ишлай олишни ўргатиш, чет элларда ишлаб чиқилган турли ярим автомат ва автоматлардан, юқори унумли механизация воситаларидан фойдаланиш, ёрдамчи операциялардаги қўл меҳнатини камайтириш, тикувчилик буюмларига ишлов бериш методларини такомиллаштириш ҳамда таълим муассасасида мутахассисларни малакали, илғор техника ва технологияни ҳаётга татбиқ эта оладиган қилиб тарбиялаш ўқувчининг касбий шаклланишида муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўқувчининг касбий билим ва кўникмасини шакллантириш моделидан кўриниб турибдики, ўқувчи касбий тайёргарлик жараёнида давлат таълим стандартлари асосида яратилган ўқув режа ва дастурлари бўйича тўлиқ

билим, кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш учун зарур бўлган ўқув меъёрий мажмуалар эътиборга олинди. Чунки, давлат таълим стандартларида таълим муассаларидаги ўқув жараёнини илғор педагогик ва замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг энг мақбул усулини қўллаган ҳолда ташкил қилиниши талаб этилади.

Ўқитиш методларининг илғор усулини танлашнинг асосий қисмлари қуйидагилар бўлиши мумкин: дарс жараёнини режалаштириш, ўқитишнинг асосий мақсади, мавзу мазмунининг хусусиятлари, ўқувчи ҳамда ўқитувчи имкониятлари, ўқитишга ажратилган вақт, ўқитишнинг шароитларга мувофиқ келиши билан бир каторда ўқувчиларда зарурий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда қуйидаги ноанъанавий усуллар (кластер, аклий хужум, бумеранг методи, муаммоли вазият усули) дан фойдаланилса, таълим сифати самарадорлиги ошиши аниқланди.

Маълумки, фан-техника тараққиёти жадал суръатларда ривожланиб бориши билан ахборот технологиялари воситасидан фойдаланиш эҳтиёжи юзага келди. Шу мақсадда ўқувчилар фойдаланиши мумкин бўлган билимлар банкини тузишнинг зарурияти аниқланди. Билимлар банки - маълум вазифани бажаришга оид бўлган ва ишлаш мезонлари кетма-кетлигига кўра тизимланган, узлуксиз равишда бойитиб бориладиган ахборот ва маълумотлар мажмуидир. Яратилган билимлар банкининг ўзига хос хусусиятларидан бири - унинг узлуксиз равишда, янги маълумотлар билан бойитиб борилишидир. Бу вазифани амалга оширишда икки усулдан фойдаланилади:

1. Ўқитувчи ўз устида кўшимча ишлаши натижасида олган янги билимларини доимий равишда билимлар банкига киритиб боради.

2. Ўқувчилар томонидан таклиф қилинган ахборот ўқитувчи томонидан таҳрир қилинади ва билимлар банкига киритилади.

Билимлар банкини ишлаб чиқишда қуйидаги мезонларга амал қилиниши зарурлиги белгиланди: ахборотларни жамлаш; ахборотларни саралаш ва энг аҳамиятлисини ажратиб олиш; аҳамиятли ахборотларни таснифлаш; ахборотларни табақалаш; таснифланган ахборотларни тизимлаш; тизимланган ахборотлар кўргазмалилигини ошириш, яъни матн ҳолидага ахборотлардан турли кўринишдаги график тасвирларга ўтиш; ахборотлардан компьютер воситасида фойдаланиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Mamajonova, K., & Murtazayev, M. (2020). Ўқув ишлаб чиқариш марказида талабаларни амалий ўқитиш мобайнида унумли меҳнат ўқувларини шакллантириш аослари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

2. Mamajonova, K., Karimov, O., & Ergasheva, S. (2020). Some ways of improvement of vocational guidance in pedagogical processes. *Архив Научных Публикаций JSPI*. Mamajonova, K. (2020). Таълим технологиясини лойиҳалаштириш тамойиллари ва унинг назарий методологик асослари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

3. Mamajonova, K., & Mullaxmetov, R. (2020). Ta'lim muassasalarida ta'lim oluvchilarning ijodiy qobiliyatlarini qo'llab-quvvatlash va ularni rivojlantirish. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

4. Mamajonova, K. (2020). Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришдаги таълим-тарбия тизимида педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурияти. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

5. Mamajonova, K. (2020). Mehnat ta'limi y'kituvchisida milliy kadriyatlariga oid y'quv mahoratlarini shakllantirish asoslari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

6. Mamajonova, K., & Xolmatov, P. (2020). Kasb-hunarga yo'llash ishlarini tashkil qilishda darsdan tashqari mashg'ulotlar shakllari va mazmunini tanlashning tashkiliy-pedagogik mezonlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

7. Mamajonova, K., Ahmedova, G., & Abdullayev, B. (2020). Mehnat ta'limi jara'eni mazzun modernizatsiyalash. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

8. Mamajonova, K., Axmedova, G., & Suvonqulova, Q. (2020). Muvofiq o'quv dasturlari zamon talabidagi darslarni yaratish garovidir. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

9. Xolmatov, P., & Oriyev, J. (2020). Darsdan tashqari mashg'ulotlarda y'quvchilar kasbiy tarbiyasini shakllantirishning maqsad va vazifalari. *Физико-технологического образования, 1(1)*

10. Xolmatov, P., & Oriyev, J. (2020). Umumiy y'rti ta'lim maktablarida y'quvchilarni kasb-hunarga y'naltilishni takomillatlash uchun texnologiya. *Физико-технологического образования, 1(1)*

11. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Oriyev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology, 29(08), 3669-3677*.

12. Axmedova, G. (2020). Ўқувчиларни касб хунарга йўналтиришдаги таълим тарбия тизимида педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурияти. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

13. Axmedova, G. (2020). Oliy ta'lim tizimida ta'lim jara'eni iqtisodiy jihatdan tashkil qilib chiqarishning ayrim muammolari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

14.Axmedova, G. (2020). Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришнинг ижтимоий иқтисодий аспекти. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

15.Orishev, Jamshid (2021) "Project for training professional skills for future teachers of technological education," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.

16.Orishev, J., & Orisheva, Z. (2021). “Metrologik o’lchovlar” mavzusini o’qitishda nostandart testlardan foydalanish . *Физико-технологического образование*, 2(2).